

Нафсга карши қандай курашиш мумкин?

Принтер учун 02.03.2007 й.

21:17 / 27.04.2016 5575

Нафсга карши қандай курашиш мумкин? Нафс бирон нарсага даъват қилганда бу инсоннинг эҳтиёжими ёки нафснинг хаддидан ошаётган эканлигини қандай фарқланади?

Нафсга қарши курашиш, нафсни шариат кўрсатган нарсадан ташқарисини истаганлиги, харом ҳарж гуноҳ ишларга беҳуда ишларга чорлашини йўлини тўсиш билан бўлади. Ҳар бир нарсани гуноҳи савоби бор, гуноҳ нарсаларни тарк этиш, савобга юриш билан нафсга қарши кураш боради. Нафсни албатта қийнаш маъносида эмас, балки нафсни жиловлаш, ҳакалак отиб кетмаслиги, фисқи фужурга, харом ҳаржга, гуноҳ ва маъсиятга тортиш олдини олиш учун уни орқасидан тушмаслик учун балки уни жиловлаб туриш учун кураш олиб борилади. Уни қийнаш учун, азоблаш учун, ҳалол пок нарсалардан ман қилиш учун кураш бўлмайди. Энди нафс бирон нарсага даъват қилганда, бу инсоннинг эҳтиёжими ёки нафсни ҳаддан ошаётганлигини қандай биламиз деганда, бунинг ўлчови, тарозуси шариатнинг аҳкомлари бўлади. Нафс шариат руҳсат берган чегарада бир нарсани талаб қилса, бу инсоннинг эҳтиёжи бўлади. Нафс шариат чегарасидан чиқиб, шариат ман қилиб, харом қилган нарсани талаб қилаётган бўлса, у нафс ҳаддан ошган бўлади. Шунинг учун қилинаётган амалларни, айтилаётган гап-сўзларни ва бошқа барча-барча нарсаларни шариат тарозусига солиш керак. Шариат ўлчови ила ўлчаш керак ва шариат чегараси ила чегараланиши лозим. Шариатимиз руҳсат берган, ҳалол пок деган, жоиз, мумкин деган нарсаларни қилган одам шариатни ҳумида юрган бўлади, нафсни демак айтганини эмас, балки инсоннинг ўзининг эҳтиёжини ҳалол пок йўл билан қондирган бўлади. Шариат доирасидан ташқарига чиқиш, шариат харом қилган нарсаларни емоқ, ичмоқ, киймоқ ёки уларни қилмоқ маънолари, ёмон зарарли деган нарсаларга ўзини уриш маънолари бу нафсни ҳаддан ошган, ҳавойи нафсга эргашиш гуноҳ ва маъсиятга шўнғиш ҳисобланади. Мана шу нарсани жуда яхши ажратиб олиш керак. Умуман нафсни поклаш, ахлоқни сайқаллаш, нафсни риёзатини яъни чиниқтиришни юқори нуқтага олиб чиқиш маънолари руҳий тарбия бўлмиш тасаввуф орқали билинади. Унга ана шу орқали эришилади, буни иншооллоҳ аста-секин ўрганиб бораверамиз.